Адл ила олам юзин обод қил!

# Куч – адолатда

2023 йил
31 март,
жума
№ 15-16 (946)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 30 март куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.***

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини Кегейли туманидаги “Актуба текстиль” корхонасидан бошлади.

Илгари бу туманда саноат умуман йўқ эди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича қилинаётган ишлар, ҳудудлараро ҳамкорлик натижалари бу ерда ҳам сезилмоқда. Хусусан, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда учта лойиҳа ишга туширилди.

Улардан бири – “Актуба текстиль” йилига 3 миллион донадан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 500 та иш ўрни яратилган. Йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Чекка ҳудудларда бундай янги корхоналар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамиятини таъкидлаб, буни давом эттириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Корхонанинг ўзида касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда яқин маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар ҳунар ўрганиб, ўз йўлини топади.

Кегейли туманида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Тадбир аввалида 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Беруний туманидаги “Беруний буғдой кластер” ҳамда “Райҳон аппарел”, Қораўзак туманидаги “Қорақалпоқ цемент” заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги “ККРаси кемикал”, Нукус шаҳридаги “Азимут ҳотел”, Тўрткўл туманидаги “Хозагро” вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди. Бу корхоналарда жами 1 100 та доимий иш ўрни яратилади, улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, ушбу янги корхоналарни ишга туширди.

Бу Қорақалпоғистон Республикасидаги ривожланишнинг изчил давоми аслида. Сўнгги олти йилда ҳудудда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Тадбиркорлар сони 2 баравар кўпайиб, 46 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноати энг паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар ошиб, Қорақалпоғистондаги улуши 12 фоизга етган.

Умуман, бу даврда Қорақалпоғистонда саноат 1,3 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айниқса, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика саноати маҳсулотлари тайёрлаш 2 бараварга зиёд ўсган.

Ўтган йили 31 августда давлатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва катта дастур қабул қилинган эди. Бунга асосан 2023 йилнинг ўзида 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағлар ажратилди.

Тадбиркорларга жозибадор бизнес муҳитини яратиш мақсадида фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу орқали Қорақалпоғистоннинг барча тадбиркорлари ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм қолаяпти.

Фақат ушбу ҳудуд тадбиркорларига тижорат кредитларининг 75 фоизига Тадбиркорлик жамғармаси кафиллиги берилиши белгиланди. Бундай имкониятлар соҳалар ривожига қўшимча туртки берди.

– Биз битта эл ва битта юртмиз! Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган. Бунинг натижалари барча туманларда кўринаяпти ва бу ишлар тўхтамайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббус билдирди.

Биринчиси, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Иккинчиси, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади.

Учинчиси, аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Бунга қўшимча, замонавий лойиҳа асосида 4 минг якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Йиғилишда иш ўринларини кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистонда 72 минг расмий ишсиз бор. Ҳар йили 43 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада йирик корхона ва кластерлар, кончилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда аҳолига 6 минг 600 гектар ер берилган эди, бу йил яна 6 минг гектар ажратилмоқда. Бу орқали сабзи, пиёз, картошка каби кундалик маҳсулотларга эҳтиёж қопланади. Бўстон каналини бетонлаш ҳисобига Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. Дала четларида 3,6 минг гектарда қовоқ, узум ва сабзавот етиштириб, 42 минг тонна маҳсулот олинади.

Қорақалпоғистонда 51 та мактабда ўқувчилар сони меъёрдан 2 баравар кўп. 208 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхши эмас. 120 километр магистрал ҳамда энг серқатнов 600 километр ички йўлларни таъмирлаш керак. Шу боис 9 та туманда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, мактаб ва шифохоналарни таъмирлашга, шу жумладан, иссиқлик таъминотига қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди.

Йўлларни таъмирлаш, электр энергияси тақчиллиги чораларини кўриш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистонлик фаоллар бу марраларни бажариш ўзларига боғлиқ экани, ҳамма бирлашиб ишласа, натижалар янада яхши бўлишини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун маъқулланди.***

Моҳият

## Жамият ва шахс олдидаги масъулият

*меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодаси топмоқда*



Мазкур янги қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ҳамда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ҳамда “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

***Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлаш чораларини кучайтириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Таҳлил

## Янги қонун: одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади



Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган **“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”**ги қонун ҳам тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди десак, асло хато бўлмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2020 йилда маъмурий судлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли идораларнинг қарорларини ҳақиқий эмас, мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини эса, қонунга хилоф деб топишга доир 6 920 та иш кўриб чиқилган. Шундан 5 257 таси қаноатлантирилган. 2021 йилда 5 761 та иш кўриб чиқилиб, шундан 3 538 таси қаноатлантирилган.

(Давоми 5-бетда) ▶

***Жорий йилда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман ташкил этилганининг 28 йиллиги нишонланди. Ушбу институт Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб бизнинг юртимизда таъсис этилган.***

Эътироф

## Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — ишончли ҳимояда

Инсон шаъни, қадр-қимматини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий таянч устунларидан ҳисобланади. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимизда Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамияти сезиларли даражада ошиб бораётир.



**Робахон МАҲМУДОВА,**
***Олий суд раиси биринчи ўринбосари***

Ўтган давр мобайнида Омбудсман фаолиятининг институционал асосларни такомиллаштирилди. Хусусан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари ҳамда ҳудудлардаги иштирокини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда) ▶



30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ



**Жамшид САДИНОВ,**
***Олий суд Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи***





***Мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш билан боғлиқ бунёдкорона ўзгаришларга Конституциямиз бевосита ҳуқуқий таянч ҳисобланади.

Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бинобарин, амалдаги Асосий қонунимиз 30 йилдан ортиқ муддатдан буён муҳим вазифаларини таъминлаб келмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Менинг тақдирим, менинг Конституциям!





**Янги Ўзбекистон учун янгиланаётган Конституция адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир. Референдумда овоз бериш учун киритилган янги Конституция матни 65 фоизга янгиланган.**

Хусусан, янги Конституциянинг 20-моддаси бешинчи қисмида **“Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”** деб қайд этилган.

(Давоми 3-бетда) ▶



**Музаффар МУХИТДИНОВ,**
***Олий суд Кадрлар бошқармаси бошлиғи***

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
**ҚАРОРИ**

2023 йил 20 февраль № 6 Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан, Олий суд Пленуми*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**I.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 4- ва 5-бетларда) ▶

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида миллатлараро тотувликка бағишланган маданий тадбир бўлди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Қарийб юз йиллик тарихга эга ушбу муассаса санъат ривожида, ёшлар тарбияси ва аҳолининг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга. Охирги йилларда театр жорий таъмирланиб, асбоб-ускуналар янгиланди. 2017 йилда унга академик театр мақоми берилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ёшуллилар, санъат соҳаси вакиллари билан бирга бадиий дастурни томоша қилди.

Қорақалпоғистонда кўплаб миллат вакиллари аҳил ва тотув яшамоқда. Дастурда шу жиҳат таъсирчан талқинларда ифодаланди. Халқ достонларидан парчалар, “Шағала”, “Дембермес”, “Нигарим” каби куй-қўшиқлар ижро этилди. Алишер Навоий, Бердақ, Махтумқули ва Абай ижодидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов қаламига мансуб “Туғишганлик” шеъри ва “Ўзбекистон” қўшиғида миллатлараро тотувлик, оғзибирчилик, тинчлик қадри тараннум этилди.

Президентимиз шу ерда қорақалпоғистонлик ижодкорлар, маданият соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Бадиий дастурни юқори баҳолади.

Ўзбек ва қорақалпоқлар икки тилли бир эл. Асрлар давомида бирга яшаб, дўст, қариндош бўлиб, бир халққа айланиб кетган. Улар бугун мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлида ҳамжиҳат. Бу нафақат саҳнада, балки ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадриятларни улуғловчи асарларни кўпроқ қўйиш, гастролларга чиқиб, ёшларни театрга қайтариш, маданиятини бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус ёшлар технопаркини бориб кўрди.

Бу мажмуа ёшларнинг иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Хусусан, компьютер саводхонлиги, график дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 та йўналишда йилига 1 минг 500 йигит-қиз таҳсил олиши мумкин. Бунинг учун замонавий техника, лаборатория ва устахона ускуналари ўрнатилган.

Ҳозирги кунда ўқув курслари битирувчиларининг ғоялари стартап шаклига келтирилиб, “Бўлажак олим”, “Technoways”, “Start 4 Region” каби танловларга 50 га яқин лойиҳа топширилган. Шунингдек, “Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудида уруғчилик плантациясини ташкил этиш” мавзусида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу технопарк ёшларнинг интилиш ва ғояларини такомилга етказгунча ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарига ёш фермер ва олимларнинг қуритилган органик помидор, оқова сувларни тозалаш ва балиқларга озуқабоп ўсимлик лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Яшил технологияларга асосланган бу лойиҳалар Европа давлатларининг сертификатларига сазовор бўлган.

Президентимиз бу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, амалиётга кенгроқ жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалардаги манзилли ишлар Алтин жағисда ҳам ўз натижасини бермоқда. Яқин-яқингача бу манзил транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Ўтган йили бу ер “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўл, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари янгиланди.

Маҳалла биноси янгидан қурилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка кўмаклашувчи марказ, савдо шохобчаси ташкил этилди. Замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бундай яхлит мажмуа аҳолига қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги ўзгаришларни кўздан кечирди, аҳоли билан суҳбатлашди.

– Маҳаллангиз обод бўлганини, одамлар юзидаги розиликни кўриб хурсандман. Буни ҳамма жойда давом эттирамиз. Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун бу йил 1,5 триллион сўм бераяпмиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади, – деди Президент.

Бу ерда ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Маҳалланинг ери унумдор эмас. Аҳоли асосан хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Маҳаллада маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат кўрсатиш устахоналари бор. Келгусида қуёнчилик ва балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Маҳалла билан танишиш узоқ давом этди. Давлат раҳбари шу ерлик Қуўаншбай Сейтназаров хонадонида ифторлик қилди.

Юртимизни Наврўз шукуҳи ҳали тарк этмаган. Президентимиз маҳалла аҳлининг сумалак сайлида ҳам иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**
*ЎзА мухбирлари*

■ Эътироф

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — ишончли ҳимояда

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Муҳими, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўлида ташланган қадамлар бугуннинг ўзида судлар ва Омбудсманнинг ўзаро ҳамкорлигига ижобий таъсирини кўрсатаётир.

Конституциямизга мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, **“Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”**ги қонуннинг 10-моддасига кўра, Омбудсман суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди. Аммо Омбудсман томонидан ушбу йўналишдаги мурожаатлар **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги қонун талаблари асосида ўрганилади ва Олий судга юборилади.



Мисол учун 2022 йилда Омбудсман томонидан Олий судга 1 минг 600 дан ортиқ мурожаатлар юборилган бўлиб, Омбудсман томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг 9,2 фоизини ташкил этган. Мазкур мурожаатларнинг ҳар бири судлар томонидан алоҳида ўрганилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилган.

Хусусан, Олий судга юборилган мурожаатларнинг 76 фоизи умумий мазмунда бўлиб, улар бўйича фуқароларга тегишли тушунтиришлар берилган. Қолган 24 фоиз процессуал тартибдаги мурожаатлар судлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳал этилган.

Қонунга мувофиқ Омбудсман фуқаролар манфаатларини кўзлаб ариза ҳамда даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ушбу муҳим ваколат фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Омбудсман мазкур имкониятдан кенг фойдаланмоқда. Мисол учун ўтган йилда Омбудсман томонидан судларга фуқаролар манфаатида киритилган даъво аризалари сони 2021 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ошган. Буларнинг барчаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолатдир.

Ўтган йилда Омбудсман томонидан фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларга 78 та ариза ва даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 75 таси ёки 96 фоизи қаноатлантирилган.

Судлар томонидан ушбу ишларни кўриб чиқиш натижасида:

— 4 нафар фуқаро ишга тикланган;

— 7 нафар фуқаронинг иш стажи қайта ҳисоблаб чиқилиб, пенсия миқдори оширилган;

— 11 нафар фуқаронинг ўлим факти, 14 нафар фуқаронинг зарарли меҳнат шароитларида ишлагани факти, "Мурувват уйи"да яшовчи 27 нафар шахснинг туғилгани факти белгиланган.

— 8 нафар фуқарога иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ 235 миллион сўм тўлов ундириб берилган.

Омбудсман вакиллари 2021-2022 йилларда фуқароларнинг мурожаати ҳамда сўровлари асосида суд мажлисларида 151 маротаба кузатувчи сифатида иштирок этган. Жумладан, жиноят судларида 45, маъмурий судларда 11 ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларида 95 маротаба қатнашган. Бу, ўз навбатида, суд жараёнларининг очиқ ҳамда шаффоф ўтаётгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишида ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмаслигини англатади.

Ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб доимий асосда фаолият юритиб келаётган Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам суд жараёнларда фаол иштирок этиб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда Омбудсман институти тарихан қисқа даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг ажралмас қисмига айланди. Омбудсман томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари судлар орқали ҳал этилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, 2022 йил 2 март куни Олий судда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган 16 нафар маҳкума аёлнинг шикоятлари кўриб чиқилган. Суд жараёнида Омбудсман ўз фикрини билдириб, маҳкума аёллар жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзининг ижобий хислатларини намоён этганини эътиборга олишни сўраган.

Натижада суд ажрими билан 14 нафар аёл жазодан озод қилинган. Улар оиласи, яқинлари бағрига қайтарилган, 2 нафар маҳкума аёлнинг жазоси енгиллаштирилган.

Бошқа бир мисол: Омбудсман фуқаронинг манфаатида фуқаролик судига компенсация пулини ундириш тўғрисида даъво аризаси киритган. Ушбу аризанинг суд томонидан қаноатлантирилиши натижасида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкасининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаро фойдасига 77 миллион сўм компенсация пули ундирилган.

Омбудсман томонидан қурилиш корхоналарида ишлаган фуқаролар манфаатида юридик шахслар устидан фуқаролик судларига шартнома мажбуриятлари бажарилмагани сабабли шартноманинг бекор қилиниши ва пул ундирилиши ҳақидаги даъво аризалари киритилган. Натижада суд қарорлари билан жавобгарлардан фуқаролар фойдасига 194 миллион сўм миқдорида маблағ ундирилган.

Яна бир фуқаро Омбудсманга мурожаат қилиб, футбол клубида ишлаган турли даврлар учун иш ҳақи берилмаётганини билдирган. Омбудсман томонидан судга даъво аризаси киритилиб, суд қарорига асосан жавобгардан фуқаро фойдасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда маънавий зарар учун 101 миллион сўм миқдорида пул ундирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, Омбудсман томонидан суд қарорларининг ижро этилиши бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вакилнинг давлат органларига киритган сўров ва хулосалари асосида суд қарорлари ижроси таъминланиб, ноҳақ ишдан бўшатилган ходимлар ишга тикланган, Мажбурий ижро бюроси орқали алимент пули ёки моддий зарар ундирилишига эришилган.

Айтиш керакки, Олий суд ҳамда Омбудсман қонун ижодкорлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьялар малакасини ошириш ва халқаро мажбуриятларни бажариш каби турли йўналишларда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда. Мазкур халқаро ҳужжатлардаги мажбуриятларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури асосида Олий суд ҳамда Омбудсман ўзаро ҳамкорликда изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу мақсадда Омбудсман халқаро конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарларнинг уюштирилишига доимий равишда ташаббускорлик кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, ўтган йили Омбудсман, Олий суд, бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонда озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил чораларини қўллаш бўйича мавжуд амалиётни ўрганишга бағишланган минтақавий конференция ҳамда судьялар учун ўқув-семинарлар ўтказилган.

Олий суд қонунчилик ташаббусига эга. Шу жиҳатдан қабул қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан Омбудсман тақдим этган инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ таклиф ва хулосалар эътиборга олинаётир. Шунингдек, Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳалари Омбудсманга таклиф ҳамда мулоҳазалар учун тақдим этилмоқда. Унинг Пленум мажлисларида қатнашиши таъминланяпти.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Жорий йил февраль ойида “Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги” доирасида бўлиб ўтган “Судья ва ёшлар” ҳуқуқий тарғибот тадбирларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

Умуман олганда, Омбудсман ҳамда судларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

*Қилмиш-қидирмиш*

# Солиқ

***Солиқ тушумлари давлат хазинаси ва халқ фаровонлиги манбаи ҳисобланади. Шу боис солиқ соҳаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда солиқ қонунчилигини бузган жисмоний ва юридик шахсларга қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.***

Хонқалик Маҳмуд Ўроқов уддабурон тадбиркор бўлгани сабабли “Binokor Klass”, “Binokor Story Lux”, “Ulgurji Voha”, “Forex Sales”, “Albatros Leader”, “Troya-S”, “Bravo Suroj Savdo”, “Tundra”, “Savdo Plaza”, “Kapital 777” масъулияти чекланган жамияти каби ўнга яқин тадбиркорлик субъектини бошқариб келган. Аммо у муқаддам солиқ тўловларидан бўйин товлагани, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузгани учун бир неча бор жавобгарликка ҳам тортилган. Охирги марта унга жиноят ишлари бўйича Боғот тумани судининг 2020 йилнинг 3 февралдаги ҳукмига асосан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.



М.Ўроқов томонидан 2021 йилда таъсис этилган “Kapital 777” масъулияти чекланган жамиятининг ярим йиллик фаолияти тафтиш этилганда 311 миллион сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланмагани маълум бўлди. Хусусан, ушбу корхона томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари қўпол равишда бузилган. Бунинг оқибатида 2019-2021 йиллар мобайнида маҳсулотларни нақд пулга сотиш, тушган тушимни ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаслик ҳолатлари кўплаб содир этилган. Айнан шу каби ҳатти-ҳаракатлар оқибатида 906,6 миллион сўм миқдоридаги нақд пул тегишли банк муассасаларига топширилмаган. Бундан ташқари 28 миллион сўмлик товарлар бухгалтерия ҳужжатларида акс этмаган, 563,8 миллион сўмлик қўшимча солиқ тўлови амалга оширилмаган. Устига устак, “Kapital 777” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйиш пайтида унинг устав фонди ҳам шакллантирилган бўлиб, таъсисчилар муайян миқдордаги товар-моддий бойликларни фондга улуш сифатида тақдим этишган. Аммо амалда уларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Аниқланишича, улар сотиб юборилган ва пули эса, М.Ўроқовнинг банк пластик картасига келиб тушган. У бу маблағни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаган. Шунингдек, М.Ўроқов Солиқ кодекси талабларига зид равишда жисмоний шахсларнинг 347,8 миллион сўмлик даромади, 211,2 миллион сўмлик қўшилган қиймат ва 4,1 миллион сўмлик фойда солиғини тўлашдан бўйин товланган.

Ана шундай қонунбузарликларни содир этгани учун корхона раҳбари М.Ўроқовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди. Суд муҳокамалари жараёнида М.Ўроқов ўзига нисбатан эълон қилинган айбларни тўлиқ тан олди. У савдо-тижорат шохобчаларининг баъзиларини ўзи, бошқаларини яқинларининг номига расмийлаштирганини билдирди.

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

# ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, кейинги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, давлат суверенитети принциплари асосида амалга оширилаётган халқчил ислоҳотлар Конституциямизга зарурий ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Шунга кўра, бу борада конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва халқимиз муҳокамасига киритилди.

Лойиҳа бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамаси жараёнида аҳолидан 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушди. Бу юртдошларимизнинг ушбу масалага жуда катта қизиқиш ва эътибор билан ёндашганига яққол далолатдир.

Жорий йил 10 март куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумни тайинлаш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қарорда лойиҳанинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш учун уни Конституциявий судга юбориш белгиланди. Шунга мувофиқ, Конституциявий суд жорий йил 13 март куни ўз мажлисини ўтказди ва парламентимиз қуйи палатаси қарорини Конституцияга мувофиқ деб топди.



Олий Мажлис Сенатининг 14 март куни бўлиб ўтган мажлисида янги таҳрирдаги Конституция тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича 30 апрель куни умумхалқ референдуми ўтказилиши белгиланди.

Янги Конституция лойиҳасидаги асосий ўзгаришлар ҳақида сўз борганда унда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолатлар ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу маънода, янги Конституцияда **“Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат”** деган конституциявий тамойил кафолатланмоқда.

Бу – барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонундан ҳеч ким устун эмаслигини таъминлаш, деганидир. Бу тамойил судларнинг том маънода мустақил бўлиши ҳамда адолатли қарорлар чиқариши, давлат органлари халққа хизмат қилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Янги Конституция матнида илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишдир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланмоқда. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилмоқда.

Лойиҳада белгиланишича, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бундан ташқари инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда. Бу нормалар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон манфаатлари устувор бўлишини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Муҳим янгиликларга яна мисол: ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига унинг розилигисиз юклатилиши, Ўзбекистон фуқароси мамлакатдан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши мумкин эмас.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ, хусусан, “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидалари” институтлари негизида кучайтирилмоқда. Жумладан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги белгиланмоқда.

Ушбу ҳуқуқий кафолатлар инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш соҳасидаги ислоҳотларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Инсонни давлат органларининг суиистеъмолликларидан ишончли ҳимоя қилади, шахсий эркинлик дахлсизлиги ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Энг асосийси, агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Шахснинг судлангани ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳам инсон озодлиги, шаъни ва қадрини қатъий ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим ҳуқуқий қадам ҳисобланади.

Янги Конституция матнида адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши белгилангани ҳам янги Конституция лойиҳасининг нечоғлик халқчил руҳда ишлаб чиқилганидан далолатдир.

# Менинг тақдирим, менинг Конституциям!



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу қоиданинг янги Конституцияга киритилиши мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаати ҳамма нарсадан устун эканлигини яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, янги Конституциямизда Ўзбекистон фуқароси мамлакатдан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда.

Айбсизлик презумпцияси янада кучайтирилмоқда. Жумладан, Конституциянинг амалдаги 26-моддасида шахснинг иши судда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги қайд этилган бўлса, эндиликда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча у айбсиз ҳисобланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Яна бир масала: янги Конституциямизда шахснинг судлангани ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги белгиланмоқда. Ушбу қоида айби йўқ шахсга нисбатан айбдор сифатида қараш каби собиқ тузумдан қолган иллатларга тўлиқ барҳам беришга қаратилган.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши ҳам кафолатланмоқда.

Шу маънода, 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумига ҳеч ким бефарқ эмас. Бинобарин, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга барча юртдошларимиз Бош қомусимиз янги таҳрирда қабул қилинадиган ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши шубҳасиз.



# мажбурияти

*уни ўз вақтида бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади*



Амалга оширилган биржа савдоларида ўзидан ташқари оиласи аъзолари ҳам қатнашгани, бу жараёнда турли қурилиш ашёлари ва маиший техника воситалари харид қилингани ва тегишли савдо шохобчаларига етказиб берилганини таъкидлаб, ўз ҳаракатларининг моҳиятини англаб етгани ва тергов даврида давлат бюджетига етказилган молиявий зарарни тўлиқ тўлаганини маълум қилди. Суд айбланувчи ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини англаб етгани, ўз қилмиши туфайли юзага келган катта миқдордаги зарарни бартараф этгани учун унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллашни лозим топди. Яъни М.Ўроқовга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил 11 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, солиқ – мамлакатимиз аҳолисининг умумий бойлиги. Уни ўз вақтида тўлаш эл-юрт фаровонлигига хизмат қилади. Шу боис ўзини ва ўзгаларни қадрлаган инсон солиқ мажбуриятини ҳеч бир монеликсиз бажаради. Бошқача айтганда, “элдан нима олдим” дея эмас, “элга нима бердим”, деган эзгу туйғу билан яшайди. Акс ҳолда эса, баён этилгани сингари номига доғ туширади, эл олдида юзи шувут бўлади.

**Акбар АМИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир тумани суди раиси*

● *Моҳият*

# Жамият ва шахс олдидаги масъулият

*меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодаси топмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, ушбу янги қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Яъни мамлакатимиз фуқаролигига эга бўлган болани ота, она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс ёҳуд ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима назарда тутилмоқда.

Жиноят кодекси янги 122[1]-модда билан тўлдирилиб, болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик учун жиноий жавобгарлик киритилмоқда. Яъни болани хорижий давлатларда назоратсиз қолдирганлик учун жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Жиноят процессуал кодексда болани чет давлатда назоратсиз қолдирганликка оид жиноятлар билан ички ишлар органлари ходимлари шуғулланиши қайд этилмоқда.

Болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирганлик тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ҳам муҳим янги норма киритилмоқда. Унга кўра, болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдиргани учун ота ёки она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, амалдаги қонунларга бундай ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қандай зарурат бор эди?

Кейинги пайтлардаги кузатишлар ҳамда назорат-таҳлил асносида маълум бўляптики, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни чет элларда назоратсиз қолдириш ҳолатлари кўплаб содир этилмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, бу болаларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Баъзан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларни чет элда ўқитиш ваъдаси билан олиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Аммо улар айнан қаерда, қандай шароитда таълим олаётгани, нималарни ўрганаётгани, кимдан сабоқ олаётгани ҳақида на ота-онаси, на уларнинг ўрнини босувчи шахслар аниқ маълумотга эга.

Кўпинча ёшларни учинчи шахслар аралашуви билан хориждаги манзил-макони тайин бўлмаган хусусий ўқитиш муассасаларига жалб этиш ҳолатлари учрамоқда. Ижтимоий тармоқларда ҳам ана шундай чорловлар ботбот кўзга ташланади.

Афсуски, ушбу ҳолатлар навқирон юртдошларимизнинг одам савдоси қурбони бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар учун амалдаги қонунчилигимизда аниқ жавобгарлик белгиланмаган эди.

Қонунларга киритилаётган ушбу ўзгаришлар болалар назоратсиз қолишининг олдини олишга ва бу каби қилмишларга қарши курашишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бу борада Германия, Франция, Канада, АҚШ, Буюк Британия ва Жанубий Корея каби давлатларнинг тажрибаси батафсил ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари ушбу янги қонун билан «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонунга ҳам ўзгартишлар киритилди, унга кўра, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия олиши мумкин бўлган болалар сони йигирма беш нафардан эллик нафаргача кўпайтирилмоқда. Мазкур норма, бир томондан, тадбиркорларга имконият яратса, иккинчи томондан, аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда давлат органи қарори, мансабдор шахс ҳаракати устидан шикоят қилиш учун белгиланган муддатнинг қисқа экани аксарият ҳолларда фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини бермайди. Суд амалиётида бу борадаги юзлаб мурожаатлар шунчаки мурожаат қилиш муддати ўтиб кетгани сабабли кўрмасдан қолдирилган.

Кенг жамоатчилик, хусусан, соҳада фаолият юритаётган амалиётчи-юристлар, фаол ҳуқуқшунос-блогерлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, суд амалиёти таҳлили натижалари асосида ушбу муддатларни қайта кўриб чиқиш ва узайтириш зарурати мавжуд экани аниқланди.

Шу мақсадда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритилмоқда. Унга кўра, маъмурий орган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати ё ҳаракатсизлиги устидан ариза билан судга мурожаат этиш муддати уч ойдан олти ойга узайтирилмоқда.

Кодексга киритилган ушбу ўзгартиш:

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлаш;
- турли сабабларга кўра, вақтида шикоят қилмаган тарафларнинг суд қарори устидан шикоят қилиш имкониятини кенгайтириш;
- фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Эндиликда ҳар бир фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун етарлича муддат берилади.

Ушбу нормани том маънода Янги Ўзбекистонда инсон қадри устуворлигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим қадам дея баҳолаш мумкин.

Янги қонун билан «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунга ҳам ўзгартишлар киритилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилмоқда. Ушбу ўзгартириш суд амалиётида вужудга келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш учун замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”**га қонун билан 4 та кодекс ва 4 та қонунга зарурий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шу орқали халқимизга хос инсонпарварлик фазилатлари, жамият ва шахс олдидаги масъулият меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларимизда ҳам ўз ифодаси топмоқда.

**Дилором ТАШМУХАМЕДОВА,**
*Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари*

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
### ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд ҳокимияти тўғрисида” 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарори:**

**муқаддимасининг бешинчи хатбошисидаги** “раҳбарий” деган сўз чиқариб ташлансин;

**3-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида судьяларга юксак мақом берилган. Судьялар қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар (сайланадилар)”;

**9-бандининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Судьялар қонунга мувофиқ малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий малака ҳайъатига, Судьялар олий малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига шикоят бериш ҳуқуқига эга. Малака ҳайъатининг қарори қонуний кучга кирмагунча судьяни интизомий тартибда жазоланган деб ҳисоблаш мумкин эмас”;

**11-бандидаги** “шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланишларини тақиқлайди” деган сўзлар “шунингдек, судьянинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилмайдиган педагогик, илмий ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланишларини тақиқлайди” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судья тегишли судьялар малака ҳайъатининг хулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”.

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида” 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли қарорининг ўзбек тилидаги матни:**

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Иқтисодий судларнинг эътибори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар иштирокидаги низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли, “Қишлоқ хўжалиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли, “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сонли, “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 5 январдаги 8-сонли, “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли, “Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 5 ноябрдаги 486-сонли, “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши лозимлигига қаратилсин”;

**3-банди:**

**биринчи хатбошиси** “ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши” деган сўзлардан кейин “ер участкасида қурилган ноқонуний қурилмаларни бузиш” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва фаолият юритиш учун ер участкаси ажратиш,” сўзлари чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**4-бандидаги** “«Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги Низомда” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**5-банди** қуйидаги мазмундаги **иккинчи–тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Бироқ судларнинг эътибори ҳокимликнинг фермер хўжалиги билан тузилган ер ижараси шартномасини бекор қилиш бўйича ариза беришдан олдин даъвогар судгача низони ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини бажариш кераклигига қаратишлари лозим.

Бунда судлар туман (шаҳар) ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини, далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритганлигига эътиборларини қаратсин.

Агар шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмасдан туман (шаҳар) ҳокими томонидан фермер хўжалиги билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилинганда, ИПК 107-моддасининг 5-бандига мувофиқ даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос ҳисобланади”;

**11-бандининг учинчи хатбошисидаги** “иккиламчи ижарага бериш” деган сўзлардан олдин “қонунчиликда белгиланган тартиб бузилган ҳолда” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**12-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Судлар “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қишлоқ хўжалик корхоналарига, шу жумладан фермер хўжаликларига нисбатан ҳам татбиқ этилишини, ушбу Қонуннинг 178-моддаси тўртинчи қисми талабларига кўра, ташқи бошқарув тартиб-таомили юридик шахс мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасига нисбатан жорий этилмаслигини назарда тутсинлар”;

**13-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фермер хўжалигини тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиши уни тугатилишига олиб келишига судларнинг эътибори қаратилиши лозим”.

**3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Товарларни танлаб олмаслик билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2007 йил 28 декабрдаги 175-сонли қарори:**

**1-бандидаги** “қонун ҳужжатларини” деган сўзлар “қонунчиликни” деган сўз билан алмаштирилсин;

**5-бандининг ўзбекча матнидаги** “сотиб олувчи (олувчи)дан” деган сўзлар “сотиб олувчидан” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-банди:**

**биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “товарларни танлаб олиш (топшириш) тўғрисидаги тартибдан, шартнома шартларидан келиб чиқишлари” деган сўзлар “шартноманинг товарларни танлаб олиш (топшириш) тартиби тўғрисидаги шартларидан келиб чиқишлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисининг русча матнидаги** “своевременности” деган сўз “своевременной” деган сўз билан алмаштирилсин;

**8-банди** чиқариб ташлансин;

**9-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “тўлаши назарда тутилган” деган сўзлар “тўлайди” деган сўз билан алмаштирилсин;

**4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг 2-банди** қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Ишда иштирок этмаган шахслар низони ҳал қилиш тўғрисидаги келишув битимида иштирок этиши мумкин эмас, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бундан мустасно”.

**5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори:**

**муқаддимасининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларининг” деган сўзлар “қонунчилигининг” деган сўз билан алмаштирилсин;

**1-бандининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларини” деган сўзлар “қонунчиликни” деган сўз билан алмаштирилсин;

**4-банди ўзбекча матнининг:**

**учинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларидан” деган сўзлар “қонунчиликдан” деган сўз билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларининг” деган сўзлар “қонунчилигининг” деган сўз билан алмаштирилсин;

**6-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**14-банди иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “Қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “Қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**17-бандининг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**17.2-банди** чиқариб ташлансин”.

**6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2012 йил 15 июндаги 238-сонли қарори:**

**3-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган” деган сўзлардан кейин “ва/ёки давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органи ҳакамлик битими тарафи” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**15.4-бандининг ўзбекча матнидаги** “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15.6-банди иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларига”, “қонун ҳужжатларининг” деган сўзлар тегишинча “қонунчиликка”, “қонунчилик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2013 йил 5 декабрдаги 254-сонли қарори:**

**6-бандининг ўзбекча матнидаги** “рад этилади” деган сўзлар “қайтарилади” деган сўз билан алмаштирилсин;

**8-бандидаги** “ИПК 144-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига” деган сўзлар “ИПК 144-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори:**

**муқаддимасидаги** “иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкати ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкати фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни” деган сўзлар “корпоратив низоларни” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-банди тўртинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** “талаб қилиб олиниши лозим” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4-банди** қуйидаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“- устав фондидаги улушни олувчи фойдасига улушдан воз кечилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- жамиятнинг устав фондидаги улуш очиқ кимошди савдоси орқали сотилганда кимошди савдоси натижалари ҳақидаги баённома талаб қилиб олиниши лозим”;

қуйидаги мазмундаги **14.2-банд** билан тўлдирилсин:

“14.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори битим ҳисобланмаслиги сабабли умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни кўришда ФКнинг битимларга оид нормаларни қўллашга йўл қўйилмайди”;

**14.1** ва **20.1-бандларидаги** “қонун ҳужжатларига”, “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар тегишинча “қонунчиликка”, “қонунчилик” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**20.2-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин.

**9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори:**

**номининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилиги” деган сўз билан алмаштирилсин;

**муқаддимасининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларини” деган сўзлар “қонунчиликни” деган сўз билан алмаштирилсин;

**1-банди ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**9-банди иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларида”, “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар тегишинча “қонунчиликда”, “қонунчиликка” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-банди:**

**биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари”, “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар тегишинча “қонунчилик”, “қонунчиликка” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддасининг учинчи қисмига кўра, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга нисбатан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъволар кўрилаётганда шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддасининг учинчи қисмида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаганлиги, шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бундай ҳолатда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади”;

**11.1-банди ўзбекча матнининг:**

**биринчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**12-банди ўзбекча матнининг:**

**биринчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларининг” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларининг” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**31-банднинг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин.

**10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 19 июндаги 283-сонли қарори:**

**1-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонунчиликни” деган сўз “қонунийликни” деган сўз билан алмаштирилсин;

**3-банди учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8.1-банди** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Бунда судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ИПК 262-моддасининг учинчи қисми, 285-моддасининг иккинчи қисми, $305^{1}$-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган муддатлар қатъий ҳисобланади”;

**8.2-бандидаги** “қайтариш тўғрисидаги” деган сўзлар “қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-банди:**

**биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “даъво аризаси (ариза) (ИПК 164-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари), суд қарорини тушунтириш тўғрисидаги ариза (ИПК 190-моддасининг учинчи қисми),” деган сўзлар “даъво аризаси (ариза) (ИПК 164-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 221-моддасининг биринчи қисми), соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар (ИПК $203^{4}$-моддасининг олтинчи қисми), суд қарорини тушунтириш тўғрисидаги ариза (ИПК 190-моддасининг учинчи қисми),” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисининг русча матнидаги** “исковое заявление (заявление) (части первая и вторая статьи 164, часть первая статьи 221 ЭПК), заявление о разъяснении решения (часть третья статьи 190 ЭПК),” деган сўзлар “исковое заявление (заявление) (части первая и вторая статьи 164, часть первая статьи 221 ЭПК), дела, рассматриваемые в порядке упрощенного производства (часть шестая статьи $203^{4}$ ЭПК), заявление о разъяснении решения (часть третья статьи 190 ЭПК),” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «Банкротлик тўғрисида» деган сўзлар «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Иш ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир ой, соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш эса ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилиши ва суд ҳужжати қабул қилиниши керак, ариза судга келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно. Муддатнинг ўтиши ишни судда кўришга тайёрлаш ёки даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошланади ва процессуал муддатнинг охирги кунида тугайди. Муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддатнинг тугаши деб ҳисобланади”;

**(Давоми 5-бетда)** ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

◀ **(Бошланиши 1- ва 4-бетларда)**

**17-бандининг учинчи хатбошисидаги** “суд томонидан белгиланган процессуал муддатда далилларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса” деган сўзлар “далилларни тақдим этиш ёки суд томонидан белгиланган муддатда тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**25.2-бандидаги** “ИПК 262-моддасининг иккинчи қисми” деган сўзлар “ИПК 262-моддасининг учинчи қисми” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**28-бандининг учинчи хатбошисидаги** “олти ойлик” деган сўзлар “уч йиллик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида” 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори:**

**номининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**1-бандининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**5-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Судлар лизинг субъектлари томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ низоларни ҳал этишда лизинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги қонунчилик нормалари ҳамда шартнома шартларини чуқур ўрганишлари лозим”;

**6-банди ўзбекча матнининг бешинчи ва еттинчи хатбошиларидаги** “қонун ҳужжатларининг”, “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар тегишинча “қонунчиликнинг”, “қонунчиликда” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6.4-бандининг бешинчи хатбошисидаги** “аванс (олдиндан тўланган сумма)” деган сўзлар “олдиндан ҳақ тўлаш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11.1-бандининг биринчи хатбошиси русча матнидаги** “его согласие” деган сўзлар “его письменное согласие” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11.1-банди иккинчи хатбошисидаги** “розилиги” деган сўз “ёзма розилиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** “лизинг объектининг гаров шартномаси” деган сўзлардан кейин “, шунингдек, гаровга олувчининг розилигисиз гаров нарсасини лизингга бериш ҳақидаги шартнома” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** “шунингдек” деган сўздан кейин “мулкни лизинг шартномаси тузилишидан олдин ёки кейин гаровга қўйилганлиги ҳамда” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**12. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан улар ҳақидаги ахборотни ошкор қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган (қабул қилинган) битимларни (қарорларни) ҳақиқий эмас деб топишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарори:**

**муқаддимасининг ўзбекча матнидаги** “хўжалик судлари томонидан қонун ҳужжатлари нормаларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида” деган сўзлар “судлар томонидан қонунчилик нормаларини тўғри ва бир хилда қўллаш мақсадида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-банди иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин;

**4-банди учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

**4.1-банди еттинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**5-бандининг ўзбекча матнидаги:**

**биринчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларини” деган сўзлар “қонунчиликни” деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда умумий йиғилиш қарори ва (ёки) жамият томонидан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш каби оқибатларни ҳам келтириши мумкин” деган сўзлар “қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда умумий йиғилиш қарори ва (ёки) жамият томонидан тузилган битимни ҳақиқий эмаслиги каби оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-банди биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** “сабаби билан” деган сўзлар “муносабати билан” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7.3-бандининг ўзбекча матнидаги** «акциядорларнинг умумий йиғилишининг” деган сўзлар “акциядорлар умумий йиғилишининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7.5-бандининг ўзбекча матнидаги** “умумий йиғилишнинг қарорини” деган сўзлар “умумий йиғилиш қарорини” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-бандининг биринчи хатбошиси:**

**ўзбекча матнидаги** “хўжалик судига” деган сўзлар “иқтисодий судга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**русча матнидаги** “в суд” деган сўзлар “в экономический суд” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарори:**

**8.3-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** “навбатдаги” сўзидан кейин “ёки тўланмаган” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **13.8-кичик банд** билан тўлдирилсин:

“13.8. Товарни тузатиш ҳамда эҳтиёт қисмларининг қийматлари юзасидан низо вужудга келган ҳолларда, ушбу қийматдан келиб чиққан зарар миқдори тарафларнинг илтимосномаси бўйича тайинланган мутахассис (эксперт) нинг хулосасига кўра белгиланади. Бунда мутахассис (эксперт) сифатида баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс қатнашиши мумкин”.

**14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:**

**1-бандидаги** “бошқа қонун ҳужжатларига” деган сўзлар “бошқа қонунчиликка” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12-банди ўзбекча матнидаги учинчи хатбошиси тўртинчи кичик хатбошисидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликда” деган сўз билан алмаштирилсин;

**14-бандининг биринчи хатбошиси ўзбекча матнидаги** “қонун ҳужжатларида” деган сўзлар “қонунчиликка” деган сўз билан алмаштирилсин;

**28-бандининг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, даъво аризаси қайтарилиши белгиланган. Судларга тушунтирилсинки, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъво аризаси (ариза) бўйича, шунингдек, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича ҳам даъво аризасининг (аризанинг) ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари манфаати кўзланган шахсга, жавобгарга ва учинчи шахсга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса ҳам, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мос ҳолда қайтарилади”;

қуйидаги мазмундаги **$30^1$-банд** билан тўлдирилсин:

“$30^1$. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни башарти қарор тарафлардан бирига нисбатан уларнинг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ишда иштирок этиш учун жалб қилишга йўл қўйилади. Ишда иштирок этиш учун одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар – гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар жалб этилиши мумкин”;

**42-бандининг биринчи хатбошисидаги** “26-моддасига” деган сўзлар “30-моддасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**43-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“43. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш ушбу Кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, ИПК $23^1$-бобида белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга асослантирган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан якка тартибда суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида ушбу Кодекс V бўлимининг қоидаларига биноан мажбурий ижро этилиши лозим.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради”.

**15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарори:**

**17-банди** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Агар даъво аризасида битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса, ушбу талаб бўйича давлат божи мулкий хусусиятга эга даъво аризалари учун белгиланган ставка бўйича ундирилади”;

**21-бандидаги** “, назорат”, “ва назорат” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги 16-сонли қарори 30-банди** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёхуд нотўғри ҳал этилиши суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда апелляция инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ИПКнинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади”.

**17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Иқтисодий ишларни кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 36-сонли қарорининг 35-банди** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёхуд нотўғри ҳал этилиши суднинг ҳал қилув қарори ёки қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ИПКнинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади”.

**II.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) “Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг регламентини (иш тартиби) тасдиқлаш ҳақида” 2001 йил 27 июлдаги 98-сонли қарори;

2) “Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раёсатининг регламентини (иш тартиби) тасдиқлаш ҳақида” 2001 йил 27 июлдаги 99-сонли қарори;

3) “Олий хўжалик судининг Пленум ва Раёсат котибияти Низоми тўғрисида” 2002 йил 26 июлдаги 106-сонли қарори;

4) “Хўжалик суди судьяларининг малака ҳайъати фаолияти тўғрисида” 2005 йил 31 мартдаги 125-сонли қарори;

5) “Олий хўжалик суди учинчи судлов таркибининг фаолияти тўғрисида” 2005 йил 31 мартдаги 126-сонли қарори;

6) “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари Регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 31 мартдаги 128-сонли қарори;

7) “Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2006 йил 22 январдаги 142-сонли қарори;

8) “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори;

9) “Хўжалик судининг хусусий ажрими тўғрисида” 2007 йил 28 декабрдаги 172-сонли қарори.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** | **Б. ИСЛАМОВ** |
| **Пленум котиби, Олий суд судьяси** | **И. АЛИМОВ** |

*● Таҳлил*



## Янги қонун: одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ушбу статистик маълумотлар таҳлил қилинганда, маъмурий судлар томонидан ушбу тоифадаги низолар бўйича кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти айнан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган аризалар эканини кўриш мумкин.

Бу ҳолат ушбу тоифадаги низолар бўйича давлат божи миқдорини камайтириш орқали фуқароларга одил судловга эришиш учун янада кўпроқ имконият яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жисмоний шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилинишини янада кенгайтириш ҳамда қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этаётганди.

Шу боис янги қонун билан давлат божи тўғрисидаги қонунга тегишли қўшимча киритилди. Яъни фуқаролар давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлар, мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан ўзларининг қонуний манфаатларини, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга мурожаат қилганда, давлат божи тўлови бўйича белгиланган ставкани икки баробарга камайтириш, 50 фоизи миқдорида бож тўлови тўлаш белгиланди.

Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш баробарида судларда иш юритиш тартиби ва имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Абдуғани УМИРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*● Жиноятга жазо муқаррар*



## Ўн олти кунлик “танаффус” ёхуд тавбасига таянмаган жиноятчи яна жазоланди

***Тошкент вилоятида яшовчи Рашид Ёрқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йилнинг 30 октябрь куни ўзига тегишли бўлган автомашинани кўчада қолдириб, ишхонасига киради. У ишларини якунлаб чиққач, автомашинанинг жойида йўқлигини кўриб, дастлаб ҳайрон бўлади. Сўнгра бу ҳақда ички ишлар идорасига хабар беради.***

Янгийўллик Ҳусан Бобоназаров ўша куни ёлланма ишчи сифатида ишлаш учун Нурафшон шаҳрига келганди. У кечқурун ишдан чиқиб, ошхоналардан бирида спиртли ичимлик истеъмол қилади. Сўнг маст ҳолда кўчага чиққач, йўл бўйида турган оқ рангли “Жентра” русумли автомашинага кўзи тушади. Автомашинага яқинлашиб, унинг эшиги очиқлиги ва калити ўт олдириш тизимида қолдирилганини кўриб, фикри бузилади. У ўйлаб ҳам ўтирмай автомашинани олиб қочади. Аммо автомашинани катта тезликда ҳайдаб кетаётганда рўпарадан келаётган “Спарк” русумли автомашина билан тўқнашиб кетади.

— Машинангизни ўзим таъмирлаб бераман, — дейди у шоша-пиша жабрланувчи ҳайдовчига.

Қисқаси, ўша паллада Ҳ.Бобоназаров жабрланувчининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, яна йўлга тушади. Бироқ у автомашинани катта тезликда ҳайдагани сабабли бошқарувни йўқотиб қўяди ва ариққа тушиб кетади. Иложсиз қолган Ҳ.Бобоназаров автомашинани ташлаб, воқеа жойидан қочиб кетади.

Р.Ёрқуловнинг мурожаатига асосан жиноятчининг изидан тушган изқуварлар тез орада уни қўлга олишади. Шундан сўнг унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди. Суд судланувчини Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топиб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида Ҳ.Бобоназаровдан жабрланувчига етказилган 19.877.836 сўмлик моддий зарарни ундириш ҳам белгиланди. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида “Спарк” русумли автомашинасига етказилган зарар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддаси билан қўзғатилган маъмурий иш доирасида ҳал қилиниши тушунтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми “а” бандида транспорт воситасини такроран ёки хавфли рецидивист томонидан олиб қочганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, Ҳ.Бобоназаров 3 йил муқаддам ҳам худди шундай қилмиши учун жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг ҳукмига мувофиқ, 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Сўнг у жиноят ишлари бўйича Поп тумани судининг 2022 йил 14 октябрдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 4 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Афсуски, у атиги 16 кунлик “танаффус”дан сўнг яна жиноятга қўл урди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳаётда бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқага буюрмаган. Қолаверса, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди.Баён этилган воқеа тафсилоти ҳам бунинг исботидир.

**Ғофур ОМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар суди раиси*





*Тарих тилсимлари*

# САМАРҚАНД ҚОҒОЗИ СИРИ НИМАДА?

***Буюк ипак йўли асрлар давомида мислсиз кашфиётларга замин бўлган. Ушбу савдо йўлида Хитой чиннparam, Дамашқ қиличи, Хуросон матолари, ҳинд зираворлари қанчалик шуҳрат қозонган бўлса, Самарқанд қоғози ҳам юз йиллар мобайнида энг харидоргир моллар рўйхатидан тушмай келди. Қуйида шу ҳақида маълумот берамиз.***

Маълумки, қоғоз кашф қилинганга қадар инсоният сопол тахтачалар, папирус, пергамент, мато ва бошқа воситалардан фойдаланган. 105 йилда хитойлик кашфиётчи Цай Лун илк марта қоғозни ихтиро қилгач, у қисқа фурсатда Ғарбу Шарқдаги энг харидоргир маҳсулотлардан бирига айланди. Бироқ хитойликлар асрлар давомида бу бебаҳо маҳсулотни тайёрлаш усулини сир тутиб келишди.

Қоғоз нисбатан енгиллиги, юпқалиги, бўёқни ўзига тез ва осон сингдириши боис ўзининг олдинги «вазифадошлари»дан ажралиб турарди.

Маълумки, Марказий Осиёнинг катта қисми VIII асрнинг бошларида араб халифалигининг таркибий қисмига айланади. Халифаликнинг шимоли-шарқий чегаралари араблар томонидан Мовароуннаҳр (дарёнинг нариги томони) деб номланиб, Хитойнинг Тан империяси ҳудудига қадар чўзилган.

749 йилнинг июль ойида Гао Сянчжи бошчилигидаги хитойликлар Мовароуннаҳрга бостириб киради ва Тошкентни эгаллайди. Ўша даврда араб халифалигининг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ноиби Абу Муслим (700-755) босқинчиларга қарши катта қўшин юборади. Ҳозирги Қирғизистоннинг Талас водийсида 751 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган бу тўқнашув «Талас жанги» номи билан тарихда қолади. Шиддатли жанг бир неча кун давом этади.

Кутилмаганда Қарлуқ хоқонлиги қўшниларининг ёрдамга келиши жанг тақдирини узил-кесил ҳал қилади. Ғолиблар Самарқандга 20 минг нафардан ортиқ хитойлик аскарни асир олиб қайтишади. Ўз ҳаётларини сақлаш ниятида хитойлик жангчилар маҳаллий ҳунармандларга қоғоз ишлаб чиқариш сир-синоатларини ўргатади. Шу вақтдан бошлаб Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

IX асрга келиб, қоғоз ишлаб чиқариш шаҳар ҳунармандчилигининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Аста-секин Самарқанд қоғози бутун Шарқ ва Ғарб бозорларини ҳам эгаллайди. Ушбу маҳсулотнинг турли хил навлари VIII асрдан XIX асрга қадар нафақат Шарқ, балки Европанинг кўпгина давлатларига тарқалади.

Минг йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз фаолиятини санъат даражасига етказган самарқандлик қоғозгарлар ноёб қоғоз турларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишди. Жумладан, оқ рангли «Султон қоғози» ўзининг юпқалиги, силлиқлиги ва юмшоқлиги билан ажралиб турса, «шойи қоғоз» оч сариқ – новвот ранги билан фарқланган. «Мир Иброҳимий» қоғозида халқасимон сув белгилари бўлган. Ушбу қоғоз турларини яратишда хомашё сифатида пахта, ипак ва тут дарахти пўстлоғидан кенг фойдаланилган. Асрлар давомида шаҳарнинг Сиёб ариғи бўйида икки мингга яқин сув тегирмонлари ишлаб турган ва уларнинг 400 тадан ортиғида қоғоз ишлаб чиқарилган.

Араб тарихчиси Ал-Мақдисийнинг (X аср) маълумотларига кўра, Хоразмда ишлаб чиқарилган камонлар, Шошнинг сопол идишлари ҳамда Самарқанд қоғозлари Буюк Ипак йўлида айирбошланадиган моллар ичида энг машҳури ва бебаҳоси бўлган.

Самарқанд қоғози ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шундай ёзади: **«Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар, жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдин келадур, Конигил Сиёб ёқосидадурким, бу сувни Оби раҳмат ҳам дерлар».**

Форс тарихчиси Абу Мансур Саъолиби (X аср) Самарқанд қоғозини Миср пергаментидан устун қўйган. 1863 йилда Ўрта Осиёга ташриф буюрган венгриялик шарқшунос ва тилшунос олим, сайёҳ А. Вамбери Самарқанд қоғози ҳақида шундай ёзади: **«Бухоро ва Самарқандда ишлаб чиқариладиган ушбу қоғоз бутун Туркистон ва унга қўшни мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган».**

Амир Темур ҳукмронлиги даврида қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Темурийлар ҳукмронлигидан кейинги жангу жадаллар, ички низолар натижасида кўпгина ҳунармандлар Самарқанддан бошқа тинчроқ жойларга, жумладан, Қўқонга (Қоғозгар ва Чорку қишлоқлари) кўчиб кетишди. Шундан сўнг Қўқон шаҳри юртимиздаги қоғоз ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланди ва бу анъана 1930 йилгача давом этди.

Ҳозирги кунга қадар самарқандлик ҳунармандлар томонидан тут пўстлоғидан турли хилдаги қоғозлар ишлаб чиқарилади. Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш учун балхтут новдалари бир неча кун сувда ивитиб қўйилади. Кейин новдаларнинг пўстлоғи шилиб олинади ва қозонда 5-6 соат қайнатилади, сўнгра ёғочдан ясалган ўғирларда 7-8 соат давомида майин толаларга ажралгунча янчилади.

Кейинги босқичда толалар катта идишга солиниб, Сиёб сувида аралаштирилади ва тўртбурчак шаклдаги сузғичлардан ўтказилади. Ҳўл қоғозлар 8-10 соат давомида тахтакачга бостириб қўйилиб, кейинчалик бирма-бир силлиқ сиртга ёпиштирилади. Охирида ҳар бир варақ қоғоз мармартош устига қўйилади ва чиғаноқ ёки ақиқ тоши билан силлиқланади.

Шу ўринда «машаққатли қўл меҳнатини талаб қиладиган бундай маҳсулот фан-техника ривожланган ҳозирги даврда керакми?» - деган савол туғилиши табиий. Лекин минг йиллар аввал Буюк ипак йўли бўйлаб донғи кетган ва дунёнинг турли мамлакатларига карвонлар орқали етказиб турилган Самарқанд қоғози бугунги кундаги фан-техника тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган, унинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган.

Самарқанд қоғозидан бугунги кунда нафақат ўзбекистонлик миниатюрачи рассом ва ҳаттотлар, балки хорижликлар ҳам қадимий қўлёзмаларни қайта таъмирлашда кенг фойдаланишмоқда.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Қизиқарли фактлар*

# ТАБИАТДАГИ ҒАРОЙИБ ҲОДИСАЛАР



***1940 йилда Россиянинг Горький вилояти ҳудудидаги Мечора қишлоғида ёмғир аралаш Иван Грозний замонида зарб қилинган кумуш тангалар ёққан. Бу шунчаки уйдирма ёки лоф эмас, балки ҳаётда рўй берган ҳақиқат. Қуйида шундай ажабтовур ҳодисалар ҳақида маълумот берамиз.***

Маълумки, иқлим ўзгариши сабабли ёмғир, дўл, қор ёғиши мутлақо табиий ҳодиса. Бироқ осмондан балиқ, қурбақа, буғдой ва бошқа нарсаларнинг ёғиши каби ғайриодатий ҳодисалар кўп марта содир бўлган. Хўш, бунинг моҳияти нима билан изоҳланади? Албатта, бундай ғаройиб ҳодисаларни фавқулодда табиий куч бўлган қуюнлар келтириб чиқаради.

Шу ўринда қуюнлар пайдо бўлиши ҳақида маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қуюн (торнадо) ёки уюрма иссиқ ҳаво оқими билан совуқ ҳавонинг тўқнашиши туфайли содир бўлади. Яъни юқори босимда иссиқ ва совуқ ҳаволар тўқнашганда марказдан итариш кучи ва қочиш ҳодисаси жуда тез суръатда кечади. Оқибатда кучли қуюн пайдо бўлиб, шамоллар ҳаракатига ҳамоҳанг ҳолатда янада катталашади. Қуюн ер юзининг ҳамма ҳудудида: қуруқликда ҳам, сувда ҳам, баъзи жойларда тез-тез, айрим жойларда кам содир бўлиб туради.

Энг кўп қуюн кузатиладиган ҳудуд Шимолий ва Жанубий Америка қитъасидир. Одатда, қуюн жанубий-шарқий томондан шимолий-ғарбий томонга соатига 60-70 километр тезликда ҳаракатланади. Унинг таъсир доираси 10 метрдан 800 метргача бўлиши мумкин. У шундай вайронкор кучки, йўлида учраган ҳар қандай нарсани, ҳатто автомобилларни, уйларнинг томини ҳам кўтариб кетади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, қуюн яқинлашиб келаётган уйлар ичидаги босим атрофдаги босимга нисбатан кескин даражада ортиб кетади, натижада уйларнинг томи худди газланган идиш қопқоғидек отилиб кетади. Бундай қуюнлар ҳатто поездларни ҳам изидан чиқаради, юз йиллик дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлайди, баъзан кемаларни ҳам даҳшатли ларзага солади. Шунинг учун ҳам ўтган асрларда кема капитанлари қуюнга қарши тўпдан ўқ узганлар. Бундай фавқулодда тадбир баъзан ижобий натижа ҳам берган: қуюн иккига бўлиниб, пастки қисми денгизга тушган, устки қисми юқорига кўтарилиб, булутларга қўшилиб кетиши кузатилган.

Шунингдек, денгизчиларни гирдоб деган бало ҳам ҳамиша ваҳимага солган. Маълумки, гирдоб тўғонлар атрофида, кўприк устунлари, умуман, сойларда, катта сув йўлидаги тўсиқлар олдида тез-тез ҳосил бўлиб туради. Яъни оқар сув баланд ва мустаҳкам тўсиққа урилиб, кучи синиб ортига қайтганида орқадан "бостириб" келаётган шиддатли сув оқими билан тўқнашади. Натижада кучли тўлқин заиф тўлқинга «эшилиб», ғилдиракка ўхшаб айлана бошлайди. Гирдобнинг қуюндан фарқи шуки, у сувнинг остида ҳаракатланади.

Аслида, баъзан осмондан ёғадиган "кутилмаган инъом"лар ана шу табиий ҳолат натижасидир. Бошқача айтганда, фавқулодда кучли қуюнлар туфайли баъзан табиатда ғаройиб ҳодисалар, "мўжизалар" рўй бе-риб туради. Масалан, 1904 йили Марокашда қуюн катта-катта буғдой омборларини вайрон қилиб, юзлаб тонна донни учириб кетган ва Испания тупроғига ёғдирган. Яна шундай ҳодиса кейинчалик Испанияга қўшни давлатда юз беради. Яъни Италиянинг Неапол шаҳрида кўтарилган қуюн кўп миқдордаги апелсинларни осмонга учириб кетиб, нарироқдаги бир ҳудудда "мўъжиза" кўрсатган: қишлоқ одамлари апелсин "дўл"идан "азият чекишган".

Кўпинча қуюнлар қисқичбақа, балиқ, қурбақа, медуза сингари денгиз жонзотларини сув билан бирга ҳавога олиб чиқиб, ўнлаб километр нарига ёғдиради. Буни қарангки, қуюн туфайли осмондан турли мева-чевалар, моллюска, чумоли, илон, ҳатто мушук ёққан пайтлар ҳам бўлган. 1977 йил август ойининг охирида Франция билан Испания чегарасига яқин жойга тунда қурбақа ёққанда икки давлат чегарачилари бир-бирларидан шубҳаланишгача борган.

Яна бир гап, қуюнлар аксарият ҳолларда электр зарядига эга бўлади. Шунинг учун қуюн вақтида чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлайди. Агар бундай "ёруғ устун" шаҳар устидан ўтса, ҳамма томон гўё ўт ичида қолганга ўхшайди. Дарвоқе, қуюн булутидан чиққан чақмоқ кўп ҳолларда ёнғинга ҳам сабаб бўлади. Денгизда эса, қуюн бошланишидан олдин қоп-қора булутлар пасайиб, гўё сув устида сирғалиб юргандай оҳистагина сузади. Ногаҳон чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлайди, тўсатдан булутлардан бири кескин чўзилиб, қувур шаклида пастга буралиб туша бошлайди. Бунга "жавобан" денгизга ҳам "жон" киради: сув гир айланиб, денгиздан катта тезликда сув устуни юқорига кўтарилади ва денгизга тушаётган булут устунига қўшилиб, ғаройиб сув қуюни ҳосил бўлади. Аксар ҳолларда бундай сув қуюни қаттиқ шовуллаб, денгиз сатҳида анча вақтгача "сайр" қилиб юради. Унинг жонли асири бўлган балиқ ёки бошқа денгиз жонзотлари бу қуюн сусайган жойда ерга сочилиб кетишга мажбур.

Қисқаси, ана шу тариқа табиат фақатгина ўзига хос эркалик ва шумликларидан иборат ҳодисалари билан бани-башарни нафақат ҳайратга солади, балки ўзига нисбатан бефарқликлардан қўрқитиб, янги тажовузлардан огоҳлантириб туради. Чиндан ҳам, кўпинча қуюнларнинг пайдо бўлишига атроф-муҳитни муҳофаза қилмаслик, хусусан, ўрмонзорларнинг аёвсиз кесилиши ҳамда турли экологик бўҳронлар сабабчи бўлиб қолмоқда.

**Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.**

*Савол беринг, жавоб берамиз*

## Ўзича судлаш учун қонунда қандай жазо белгиланган?

***— Ижтимоий тармоқларда номаълум кимсалар бир йигитни "ўзича суд"лагани ҳақида видеолавҳани кўрдим. Айтинг-чи, бундай ўзбошимчалик оқибатида жабрланувчи оғир тан жароҳати олса ёки вафот этса, қонунчиликда қандай жавобгарлик белгиланган?***

**Исми ва манзили сир тутилди**

— Мамлакатимизда "ўзича суд қилиш" орқали фуқароларни жазолаш қонун билан тақиқланган. Чунки Конституциямизнинг 26-моддасига асосан "жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас." Бундан кўриниб турибдики, суднинг қарорисиз бировни айбдор ҳисоблаш ҳам, жазолаш ҳам мумкин эмас.

"Ўзича судлаш" – бу ҳақиқий ёки тахмин қилинаётган ғайриқонуний ҳаракат содир этган ёки унда гумон қилинаётган шахс ҳақида тегишли давлат идорасига хабар қилмасдан, уни ўзбошимчалик билан қонунга хилоф равишда жазолашдир.

Ўзбошимчалик фақат фаол ҳаракат билан содир этилади. Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган. Агар худди шу ҳаракатлар кўп миқдорда зарар (базавий ҳисоблаш миқдорининг 300-500 бараваригача) ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 229-моддасига асосан, бундай қилмиш жиноят ҳисобланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин.

Ўзбошимчалик фақат фаол ҳаракат билан турлича содир этилиши мумкин. Зўравонликни содир этган шахсларнинг "ўзича судлаши" оқибатида вужудга келадиган ғайриқонуний қилмишлар (оғир ёки енгил тан жароҳати етказиш, қасддан одам ўлдириши ва ҳ.к.)нинг ҳар бири учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, "ўзича судлаш" кўпинча жамиятда тан олинган юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан уриб-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўзича судлаган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 277-моддасига мувофиқ "безорилик" сифатида баҳоланиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. "Ўзича судлаш" оқибатларидан келиб чиқиб, айбдорга нисбатан жазо янада оғирлашиши мумкин. Айбдор шахсни "ўзича судлаш" оқибатида кимдир қасддан ўлдириб қўйса, Жиноят кодексининг 97-моддасига мувофиқ унга нисбатан (25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишгача) жазо тайинланади.

**Саволга Олий суд бош консультанти Акром Арипов жавоб берди.**

*Жиноят ва жазо*

# Товламачи эр-хотин

## судда уларга нисбатан қонуний жазо тайинланди

***Қўқон шаҳрида яшовчи Ботир Ваққосов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йил 28 июнь куни уяли телефони орқали "Однакласник" ижтимоий тармоғига кириб, "Массаж" деб номланган профилни кўриб қолади. Мазкур профилга кириб кўрганда, у Нозима исмли аёлга тегишли экани аён бўлади.***

Чиндан ҳам, ушбу профил шу шаҳарда истиқомат қилувчи Нозима Турғунова томонидан очилган эди. Шундан сўнг Ботир Нозиманинг телефон рақамини сақлаб қўяди.

Бинобарин, кечки пайт – соат $19^{00}$ларда телеграмм ижтимоий тармоғи орқали унинг рақамига "Фақат массажми ёки бошқа хизматлар ҳам борми?" дея сўров юборади. Бунга эса Н.Турғунова "Барча хизматлар бор, сизга нима керак?" - деб саволга савол билан жавоб қайтаради. Шу боис Б.Ваққосов ўз мақсадини баён қилади. Натижада улар қўнғироқлашиб, учрашишга келишиб олишади. Ботир бозор-ўчар қилиб, соат $23^{00}$ ларда Н.Турғунованинг уйига етиб боради.

- Топишга қийналмадингизми? Келинг, ўтиринг, - дея уй тўридаги диван-креслога таклиф қилади мезбон унинг қўлидаги елим халталарни олиб.

- Раҳмат!

Шу тариқа иккаласи бироз суҳбатлашиб ўтиришади. Бир маҳал эшик қаттиқ тақиллай бошлайди. Буни эшитиб, Б. Ваққосов хавотирга тушади. Н.Турғунова эса, бамайлихотир эшикни очади. Чунки боя Ботир келган заҳотиёқ унга билдирмай, ўзининг шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғи Осим Калоновга хабар бериб қўйган эди. Аниқроғи, эр-хотин "ошиқ" йигитни чув туширишни, яъни товламачилик йўли билан унинг пулини қўлга киритишни кўзлашганди.

О.Калонов ичкарига киргач, Ботирни сўроққа тута бошлайди.

- Кимсиз, бу ерга нега келдингиз?, - дейди у ўзини Нозиманинг укаси сифатида таништириб.

Б.Ваққосов хижолатли оҳангда нега келганини айтади. Буни эшитиб, О.Калонов бирдан "рол"га киришади.

- Массажчи бўлса, енгил табиат, дегани эмас-ку?... - дея ўдағайлашга ўтади у.

- Опангиз таклифимга рози бўлгани учун келдим, - деб тушунтиради Ботир ҳам.

- Сиз бу гапингиз билан менинг опамни суюқоёқ аёл сифатида ҳақорат қилдингиз. Шунинг учун ҳозир ички ишлар бўлимига қўнғироқ қиламан, - дейди у дўқ-пўписа қилиб.

Албатта, Ботир "сир"дан ички ишлар ходимлари хабар топса, нафақат оиласи, балки маҳалла-куй, таниш-билишларининг олдида ҳам шарманда бўлишини ўйлайди. Шу сабабли у О.Калоновга ялина бошлайди.

- Илтимос, ука, ундай қилманг. Гап шу ерда қолсин...

Худди шундай ҳолатни, яъни унинг ялиниб-ёлворишини кутиб турган О.Калонов дарҳол мақсадга ўтади.

- Майли, опамга беш юз доллар бериб, рози қилиб чиқиб кетасиз. Кеча ҳам биров икки юз бериб қутулган, - дейди у.

- Ҳозир менда бунча пул йўқ, беролмайман, - дея эътироз билдиради Б.Ваққосов.

Шундан сўнг Нозима Ботирнинг телефонини олиб, хотирасини текшира бошлайди. Кейин у ҳам товламачиликка ўтади.

- Ҳозир хотинингиз, бола-чақангизга қўнғироқ қилиб, шармандангизни чиқараман. Яхшиликча жияним сўраган пулни беринг, - дейди аёл.

- Ҳа, ҳозир минг доллар деб туриб оламиз, сўнг ўзингизга қийин бўлади, - деб гапга қўшилади О.Калонов.

- Мени тўғри тушунинглар. Унча пулим йўқ.

- Бўлмаса, кредит дўконидан беш юз долларлик бирорта товар олиб берасиз, - дея шарт қўяди Нозима.

Бироқ Б.Ваққосов буни ҳам рад этиб, тўловга қийналишини айтади. Шунда О.Калонов "нарх"ни сал пасайтиради.

- Майли, уч юз доллар берасиз.

У шундай деб Ботирга Нозимадан 300 АҚШ доллари миқдорида қарзи борлиги ҳақида тилхат ёздириб, имзолатиб олади.

- Телефонингиз бизда қолади. Эртага юз доллар олиб келсангиз, телефонни берамиз. Кейин икки юз берсангиз, тилхатни қайтариб оласиз, - деб шарт қўяди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Б.Ваққосов шаҳардаги 2-умумтаълим мактаби яқинида О.Калонов билан учрашиб, 100 АҚШ долларини беради. Лекин телефонини қайтариб ололмайди.

- Телефонингиз опамда. Икки юз долларни берсангиз, у телефон ва тилхатни қайтаради, - дейди у.

Қолаверса, вақтинча фойдаланиб туриши учун Ботирга оддий телефон аппаратини беради.Ноилож қолган Ботир эса, 2022 йил 4 июль куни Н.Турғуновага 200 АҚШ доллари беради. Аммо аёл тилхатни қайтаради-ю, уяли телефон шаҳар ички ишлар идораси ходимларида эканини айтади.

- Мен улар билан гаплашиб, телефонингизни олиб бераман. Лекин улар бирор-бир хизмат ёки бозорлик қилиб беришни айтиши мумкин, - дея гўёки ўзини ёрдам берадигандек қилиб кўрсатади.

Бинобарин, эртаси куни Ботир яна унга қўнғироқ қилади. Бироқ Нозима телефон хотирасидан беҳаё фотосуратлар чиққанини, шу боис ички ишлар идораси ходимларига 500 АҚШ доллар бериш лозимлигини, аксинча, мазкур ҳолат расмийлаштирилиб, судга юборилишини айтиб ваҳима қилади.

- Агар иш судга ошадиган бўлса, адвокат ёллайсиз. Кейин суд жарима тайинлайди. Хуллас, бир неча миллионга тушасиз. Бундан ташқари ички ишлар ходимлари қилмишингизни телевидениега ҳам чиқаришмоқчи. Шунинг учун беш юз долларни бериб, қутула қолинг, - дейди у йигитни қўрқитиб.



Аёлнинг сўзлари қанчалик юрагига ғулғула солмасин, Ботир ортиқча лом-мим демайди.

- Хўп, мен пул топиб келаман. Сиз улар билан гаплашаверинг, - дея ортига қайтади.

Аммо Б.Ваққосов пул қидириш ўрнига рўй берган воқеа юзасидан шаҳар ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Пировардида айни мурожаат бўйича тезкор тадбир ўтказилиб, Н.Турғунова уйида Б.Ваққосовдан 300 АҚШ долларини олаётган пайтда ушланади. Сўнгра шаръий эр-хотинга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди иккала товламачини Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбдор деб топиб, Осим Калоновга муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш, Нозима Турғуновага эса, озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қинғир йўл билан бировнинг ҳақини ўзлаштирмоқчи бўлганлар ҳамиша адашишади. Чунки ўзганинг ризқи ҳеч қачон бошқага буюрмайди. Бу — кўп бора исботланган ҳаёт ҳақиқати.

**Қобилжон АБДУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди судьяси*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-315 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 8083
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $21^{00}$. Топширилди: $23^{00}$.